



Эзгулик



Хамми йўлдошев оғам сурат.

МЕҲР-МУРУВВАТ ВА САХОВАТ ИНСОННИ УЛУҒЛАЙДИ



Усмонхон АЛИМОВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим. Бугун тарихий даврнинг янги босқичи — халқимиз ўз олдига эзгу мақсадлар қўйиб, ўз куч ва имкониятларига таянган ҳолда, оғир ва синовли кунларда ҳам ҳамжихатлик ила тараққиёт сари одимлаб бораётган паллада яшаймиз.

Тарихдан маълумки, халқимиз кўп синов ва қийинчиликларни матонат билан енгиб ўтган. Ота-боболаримиз азалдан оғир кунларда аҳил ва ҳамжихат бўлган. Ҳар бир қарори, ҳаракатида муътабар манбалар, соғлом ақлга таянган.

Бугунги синовли кунларни халқимизга хос ва муносиб тарзда енгиб ўтишда Президентимизнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари, халқимиз ўр-тасидаги меҳр-оқибат, олийҳимматлик муҳити муҳим омил бўлмоқда. Қалбида имон-эътиқоди мустаҳкам халқимизга Яратганининг ўзи мададкор бўлаётир.

Хайр ва саховат инсонни улуғлаб, ҳар икки дунёда ҳам ажру савобга са-

зовор этиши ҳақида алломаларимиз таъкидлаб ўтган. Ислום динида ҳам мўминнинг энг улуғ сифатларидан бири хайр ва саховат эканига ишора қилинади.

Ислום дини моҳиятида муҷассам бўлган барча фазилатлар асрлар оша башариятни ҳидоятга чорлаб келмоқда. Айниқса, муборақ динимизнинг эзгулик, хайру саховат, меҳр-оқибат, мурувват каби олижаноб ғоялари жамиятда инсонпарварлик, бағрикенглик муҳити мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

▶ Давоми 2-бетда

Элга хизмат — олий ҳиммат

ХАЛҚ ВА ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ ИШОНЧЛИ КЎПРИК



Байрамбек УЗОҚОВ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жиззах вилояти Халқ қабулхонаси муdiri

Сўнгги уч-тўрт йилда бутун Ўзбекистон бўйлаб амалга оширилаётган туб ислохотлар, янгиланиш ва ўзгаришлар замирида мамлакат ривожини, юрт тинчлигини, халқ фаровонлигини таъминлашдек юксак мақсад муҷассам.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 28 йиллиги муносабати билан йўллаган байрам табри-гида "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир" деган конституциявий норма асосида мамлакатимизда халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қиладиган самарали ва барқарор тизим шаклланишига, дея таъкидлаб ўтди. Бу сўзларнинг тасдиғини давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилиб, мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, халқ билан юзма-юз, ошқора мулоқот қилишининг ишончли тизимига айланган Халқ қабулхоналари фаолияти мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Бугун барча давлат идоралари халққа, оддий инсонларга астойдил хизмат қилишга бел боғлаган. Халқ қабулхоналари эса жойларда юзага келаётган муам-моларни ҳал этиш, камчиликларни

бартараф қилиш борасида ана шу тузилмалар билан бевосита ҳамкор-ликни йўлга қўйиб, бу йўлда ўзига хос сардорлик вазифини ўтамоқда.

Президентимизнинг Жиззах вилоя-тидаги Халқ қабулхонаси ҳам ўз фао-лияти давомида ҳудуддаги барча бош-қарув органлари, масъул идоралар, қорхона ва ташкилотларнинг раҳбар-лари билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйган. Бу борада, сектор раҳбарлари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентли-ги, Ёшлар иттифоқининг вилоятдаги вакиллари, Бюджетдан ташқари пен-сия жамғармаси, "Худудий электр тар-моқлари қорхонаси" АЖ ва "Худудгаз Жиззах" МЧЖ кабилар билан ўрнатил-ган алоқаларнинг самараси ижобий бўлаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

▶ Давоми 3-бетда

Ташрифдан сўнг

ХОРАЗМДА ТАДБИРКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мамлакатимизнинг ҳар бир бурчагида бўлаётгани сингари бугун Хоразм вилоятида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, ҳаёт жўшиб бормоқда. Президентимизнинг воҳага бир неча бор ташрифидан сўнг белгиланган топшириқлар доирасида олиб борилган ишлар натижасида вилоятнинг бугунги қиёфаси тубдан ўзгарди. Янги sanoat қорхоналари, тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди.

▶ Давоми 4-бетда

Янги имкониятлар эшикларини очмоқда



Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ: ТАРАҚҚИЁТНИНГ БЕШ ТАЯНЧИ



Улуғбек ИНОЯТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери ўринбосари

Эркинлик ва фаровонлик ғояси халқни бирлаштиради, эзгу мақсадларга даъват этади. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида"ги қарори билан эркинлик ва фаровон яшаш ғояси шиор сифатида танланганида ҳам чуқур маъно-мазмун муҷассам.

Айтиш керакки, Президентимиз томони-дан илғари сурилган "Одамлар келажакда эмас, бугун бахтли яшай керак" деган ғоя ва қарийб беш йил давомида ушбу эзгу ташаббусни амалда рўйга чиқариш бора-сида кечяётган улкан ислохотлар жамия-тимиз тараққиётини янги босқичга қў-таришда муҳим асос бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси билан мамлакатимиз демократик

тараққиёт йўлидан дадил илдамлаб бора-ётир. Президентимиз ташаббуси асосида халқ билан бамаслаҳат ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясининг асосий мақ-сади ҳам халқимизни томи маънода бахт-ли қилишдан иборат эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

▶ Давоми 2-бетда

АЖДОДЛАР МЕРОСИ — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ



Шоазим МИНОВАРОВ, Ўзбекистондаги Ислום цивилизацияси маркази директори

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида"ги қарори мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаро, у раҳбарми, оддий ишчиси ёки илмий ходим, ҳуллас, эркин ватанимиз фарзандлари қалбида юксак туйғу уйғотди, десак муволаға эмас. Биз бу тарихий ва шонли санага осонликча эришмадик. Кўп миллатли Ўзбекистон халқи ўзининг буюк салоҳияти, мустаҳкам иродаси, матонатини намоеён этиб, оғир синов ва машаққатларни мардона енгиб ўтди. Шу йиллар давомида халқ фаровонлиги, тинчлигини таъминлаш, ҳар бир фуқаро учун муносиб яшаш шароитларини яратиб бериш давлатимиз ва ҳукуматимиз олдидagi энг муҳим вазифа бўлиб келди. Таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар давомида, айниқса, кейинги тўрт йилда юртимизда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ўз самарасини кўрсатди. Барча соҳаларда юксак муваффақиятларга эришидик.

▶ Давоми 3-бетда

"Янги Ўзбекистон" учун махсус

Элчилар Қорақалпоғистонда тўқимачилик соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш имкониятлари билан танишди



Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларининг Қорақалпоғистонга амалий ташрифи давом этмоқда.

Элчилар тўқимачилик маҳ-сулотлари ишлаб чиқарадиган қорхоналарда бўлиб, ушбу соҳа-да хорижий компаниялар билан ҳамкорликни янада ривожланти-ришга оид келишувларга эриш-моқда.

БААдаги элчи Бахтиёр Ибра-гимов ва Шуманай тумани хо-кимини Баҳодир Янгибоев бир-галикда лойиҳа таклифлари руйхатини урганди. Шунингдек, "Шуманайтекс" МЧЖ базасида брезент ишлаб чиқариш имкони-ятларини муҳокама қилди.

Франциядаги элчи Сардор Рустамбоев "Есо Couture" ком-панияси ва "Хунарманд" уюшма-си билан биргаликда хотин-қиз тадбиркорлар учун тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқар-ишга ихтисослашган кичик цехлар ташкил қилиш ва экспорт фаолиятини йўлга қўйиш мавзу-сида семинар ўтказди.

Ташриф чоғида Туркиядаги элчи Алишер Аъзамхўжаев Та-хиятош туманидаги "Тахиятош текс" МЧЖнинг тўқимачилик кластерини яратиш объектида бўлди. Учрашувда мазкур қор-хонада тайёрланаётган ип-кала-вани Туркия бозорига сотиш ва ТИКА томонидан техник ёрдам учун маблағ жалб қилиш бўйича кўмак бериш тўғрисида келишув-га эришилди.

Саудия Арабистонидаги элчи Улуғбек Мақсудов Элликқалъа туманида "Buston Mega Textile"

компаниясида ишлаб чиқарила-ётган тўқимачилик маҳсулотла-рини экспорт қилиш имкониятла-рини муҳокама қилди.

Покистондаги элчи Ойбек Усмонов "Қорақул наслчилик", "Ориент Текноложи", "Нукус текстиль" МЧЖ раҳбарияти билан хорижий компаниялар билан ҳамкорликни янада ривожланти-ришга оид келишувларга эриш-моқда.

Тахиятош тумани ҳокимлиги раҳбарияти билан учрашувда Покистонга тўқимачилик маҳ-сулотларини экспорт қилиш масаласини урганиш бўйича келишувга эришилди. Шунинг-дек, 2021 йил январь ойида "NajeebFibresPvt.Ltd." ком-панияси вакили Н.Воҳраининг туманга ташрифини ташкил этиш маса-ласи кўриб чиқилди.

Латвиядаги элчи Кадамбай Султонов "Elite Stars Textile Ltd." раҳбарлари билан ўтказилган мулоқотда Латвия ва Европа бо-зорига ип-калава етказиб бериш-ни ташкил этиш бўйича музока-раларни ўтказиш учун 2021 йил январда Латвиянинг "Feliiz" ком-панияси вакили Д.Йиргенсоннинг Хўжайли туманига ташрифини амалга оширишга келишди.

Бир ҳадиси шарифда: “Саховат — бир дарахт. Унинг илдизлари жаннатда, шохлари дунёга тушиб туради. Кимки унинг шохидан ушласа, илдизлари (жаннат) сари тортади. Бахиллик ҳам бир дарахт, унинг илдизлари дўзахда, шохлари ер юзиде бўлади. Унинг шохидан ушлаганларни ўз домига тортади”, деб марҳамат қилинган.

Эзгулик

Бошланиши 1-бетда



МЕҲР-МУРУВВАТ ВА САХОВАТ ИНСОННИ УЛУҒЛАЙДИ

Бошланиши 1-бетда

Хозирги кунда дунё аҳли коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазиятни бошидан кечирмоқда. Халқимиз ҳар қандай машаққатни меҳнат ва матонат, сабру чидам ила енгиб ўтишида Ҳақ таолонинг ўзи мададкор бўлмоқда.

Бутун дунёга катта таълим ва муаммо бўлиб турган коронавирус инфекциясига қарши кураш бўйича давлатимиз раҳбарининг бевосита бошчилигида тизимли ишлар амалга оширилди. Ҳукуматимиз томонидан кенг қўламли чора-тадбирлар қўрилди. Ўз навбатида, юртимиз аҳолиси томонидан ҳам ушбу хасталикни инсоният бошидан аритиш йўлида бирдамлик, аҳил-иноқлик намуналари кўрсатилди. Шунингдек, мана шундай синовларни тез орада инсоният бошидан аритиш борасида Қуръони карим, ҳадиси шарифлар ва мўътабар манбаларда маълум амалларни бажариш ва дуою тазаррулар ўқиш ҳам давом этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мўътабар манбаларда доимий равишда Аллоҳ таолодан халқ фаровонлиги, юрт равнақи учун хайру барака тилаш, тинчлик-офийат сўраш ва эзгу дуолар қилиш лозимлиги ҳақида кўп баён этилган. Шу боис, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ташаббуси билан диёримизнинг энг табарруқ жойларида илғор фикрли, фазилатли уламо-лар, тажрибали имом-хатиблар етакчилигида Қуръони карим хатмлари ва меҳр-мурувват тадбирлари амалга оширилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жонлиқлар сўйилиб кам таъминланган оилалар, ёрдамга муҳтож кишиларга тарқатилмоқда ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат ҳадялар меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига улашилмоқда.

Бундай инсонларга меҳр-мурувват кўрсатиб, кўнгилларини кўтариш ҳам энг мақбул амаллардандир.



Аллоҳ таоло халқимизни, жонажон Ватанимизни офату кулфатлардан, балою қазолардан ўзи сақлаб, юртимизни тинч, ҳаётимизни фаровон ва ризқу рўзимизни баракали қилсин.

Уламолар ва имом-хатиблар томонидан Ҳазрати Пайғамбаримиз Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Ҳар бир хатми Қуръоннинг якунидаги дуолар мустажабодир”, деган ҳадиси шарифларига биноан хатми Қуръонлар қилинди.

Шундай саховат тадбирлари бугун ҳар қачонгидан ҳам кўпаяётганининг ҳикмати шуки, Аллоҳ таоло Қуръони каримда: “Аллоҳ йўлида молларини эҳсон қилувчилар (савобининг) мисоли гуё бир донга ўхшайдики, у ҳар бир бошоғида юзтадан дони бўлган етита бошоғини ундириб чиқаради. Аллоҳ хоҳлаган кишиларга (савобини) янада кўпайтириб беради. Аллоҳ (карами) кенг ва билимдон зотдир” (Бақара сураси 261-оят), деб марҳамат қилган. Аллоҳ таоло бу мисол билан битта хайрли иш учун битта эмас, то 700 ва ундан ортқ савоб ато этиши мумкинлигини билдирмоқда.

Бир ҳадиси шарифда: “Саховат — бир дарахт. Унинг илдизлари жаннатда, шохлари дунёга тушиб туради. Кимки унинг шохидан ушласа, илдизлари (жаннат) сари тортади. Бахиллик ҳам бир дарахт, унинг илдизлари дўзахда, шохлари ер юзиде бўлади. Унинг шохидан ушлаганларни ўз домига тортади”, деб марҳамат қилинган.

Етим-есир, бева-бечора, ногиронлар, мусофиларга мурувват кўрсатиш, сидқидилдан бегараз ёрдам бериш каби фазилатлар қон-қонимизга сингиб кетган. Уламолар айтганидек, ақлнинг қадри одоб билан ошади, бойлик қадри — саховат билан. Саҳийлик эзгуликни юксалтирувчи, демокки, дўстларнинг кўпайишига имкон яратувчи хусусият бўлиб,

инсон учун саховатдан яхшироқ ва азизроқ ёқимли сифат йўқ.

Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Бева ва мискинга ғамхўрлик қилувчи киши Аллоҳ таоло йўлида сазой-ҳаракат қилувчи ёки кечалари билан тоат-ибодат қилиб, кундузлари рўза тутувчи киши кабиридир”, деган ҳадиси шарифлари эса саховатли кишиларга улуғ баъоратдир.

Бу ҳаётнинг кўп оғир синовларини ва яхши-ёмон кунларини бошидан кечирган халқимиз ҳаммасини тўғри тушуниб, вазиятга онгли ёндашмоқда. Фаровон ва яхши кунларга интилиб яшамоқда. Зеро, Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Хурсанд бўлинлар! Сизларга енгиллик келди. Ҳаргиз бир қийинчилик икки енгилликдан устун келмайди” (Имом Ҳоким ривояти).

Аллоҳ таоло мана шундай оз муддатли қийинчилик кунларида сабр қилган, ибодатларда қоим бўлган, муҳтожларга ёрдам берган ва қиройили хулқларини сақлаб қолганларга охират саодатини ваъда қилади: “Парвардигорларнинг розилигини истаб, (турли машаққатларга) сабр қилиб, намозларини баркамол адо этган ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан хуфёна ва ошқора эҳсон қилган ҳамда ёмонликка яхшилик қайтаридиган зотлар, айнан ўшалар учун дунё оқибати (жаннат) бордир” (Раъд сураси 22-оят).

Аллоҳ таоло халқимизни, жонажон Ватанимизни офату кулфатлардан, балою қазолардан ўзи сақлаб, юртимизни тинч, ҳаётимизни фаровон ва ризқу рўзимизни баракали қилсин.

Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ: ТАРАҚҚИЁТНИНГ БЕШ ТАЯНЧИ

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси асосида давлат ва жамиятда кечаётган кучли модернизация жараёни барча соҳада юксалиш тўлқинини юзага келтирди. Бу дунё ҳам-жамиятининг ҳам кенг эътирофига сазовор бўлаётгани халқимизни янада руҳлантириб, барчамизни янги марралар, улкан мақсадлар сари ундамоқда.

Муҳими шундаки, бугунги ҳаётимиздаги тарихий ўзгаришлардан, энг аввало, халқимиз баҳраманд бўлмоқда. Одамларнинг ҳаёти ва кундалик турмуш шароити яхшиланиб, эртанги кунга ишончи мустаҳкамланиб бормоқда. Ўз вақтида “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг тегишли сўровномасида иштирокчиларнинг 83,5 фоизи, яъни аксарияти Ҳаракатлар стратегиясини ўз вақтида қабул қилинган ҳужжат, деб ҳисоблашини билдирган эди.

Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналиши давлат ва жамият ривожланишида, том маънода янги Ўзбекистон бунёд этилишида бешта таянч устун вазифасини ўтамоқда. Охирги йилларда ана шу муҳим таянчларни мустаҳкамлаш бўйича улкан, стратегик ислохотлар амалга оширилмоқда.

Биринчидан, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, “электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалга татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш йўналишидаги тўр ўзгаришларни халқимиз ўз ҳаётида сезмоқда.

Иккинчидан, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафо-



латларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик қонунчилигини такомиллаштириш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тўбдан яхшилаш юзасидан катта ютуқларга эришилди.

Учинчидан, миллий иқтисодийнинг рақобатбардорлигини ошириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, фуқароларнинг иқтисодий фаол бўлишига интилишини изчил кўллаб-қувватлаш, инвестиция муҳитини яхшилаш борасидаги вазифалар ижроси амалий натижаларда кўринмоқда.

Тўртинчидан, ижтимоий соҳани ривожлантириш йўналиши бўйича аҳоли бандлиги ва реал даромадларини узлуксиз ошириб бориш, ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, таълим, маданият, илм-фан, санъат ва спорт соҳаларини замон талаби даражасида юксалтириш учун катта ресурслар йўналтирилмоқда.

Бешинчидан, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик таъминланмоқда, ўзаро манфаатли ташқи сиёсат юритилмоқда, аҳил қўнчилик муҳити юзага келиб, шахс эркинлигига интилиш бўйича Ўзбекистоннинг халқро нўфузи мустаҳкамланмоқда. Шу ўринда стратегияда мувофиқ биргина ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича амалга оширилган кенг қўламли ислохотлардан айрим мисолларни келтириш мақсада мувофиқ бўлади.

Парламентда узоқ муҳокамадан сўнг қабул қилинган “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун ижтимоий соҳанинг алоҳида муҳим йўналишини янги даражага кўтариб, тизимлаштиришда катта аҳамият касб этади. Бу қонун ижтимоий ҳимояга муҳтож 700 миң нафардан ортқ юртдошимизнинг ҳуқуқи ва манфаатлари ҳимояланишига хизмат қилади.

2020 йилда қабул қилинган яна бир муҳим ҳужжат “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонундир. Мазкур қонунда бугунги меҳнат бозори талаблари ҳисобга олинган, янги тушунча ва

меъёрлар киритилган, фуқаро ҳамда ходимларга кўплаб имкониятлар, иш беришга эса имтиёзлар яратилган, тўғридан-тўғри амал қилувчи меъёрлар акс этган.

Бундан ташқари, жорий йилда “Таълим тўғрисида”ги, “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги, “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. Оила ва Меҳнат кодекслари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга аҳолининг алоҳида заиф қатламларининг ижтимоий ҳимояси даражасини ошириш билан боғлиқ ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, бўйича амалий жиҳатдан ҳам тизимли ишлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Айниқса, коронавирус пандемияси билан боғлиқ мурракб вазият мазкур йўналишдаги ишлар аҳамиятини янада оширди. Бу йил ижтимоий нафақа билан таъминланадиган аҳоли сони қарийб 1,5 баробар кўпайди. Йил якунига қадар уларнинг сони 774 миңдан 1 миллион 200 миң нафарга етказилиши белгиланди. Ижтимоий ҳимоя бўйича ягона реестр тизими босқичма-босқич йўлга қўйилмоқда.

Муҳофазага муҳтож қатлам билан манзилли ишлаш мақсадида “Темир дафтар”, аёллар ва ёшлар учун алоҳида-алоҳида дафтарлар юритилиб, уларга манзилли ёрдам кўрсатиш долзарб вазифа сифатида белгиланди.

Юртимизда демократик ислохотлар мазмун ва аҳамиятига кўра бутунлай янги босқичга кўтарилмоқда. Кўппартиявийлик, сиёсий плюрализм, сўз эркинлиги тамойиллари таъминланмоқда. Парламентнинг, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун сайловолди дастурида белгиланган голарни илгари суриш, электро-рат манфаатлари нўқтаи назаридан қонунчиликни такомиллаштириш, дастурий устувор йўналишлар бўйича ҳукумат, мутасадди ташкилотлар олдида масалалар қўйиш борасидаги ҳуқуқлари амалга ошмоқда.

Туризм



ИЛМИЙ ЁНДАШУВ СОҲАДА МУВАФФАҚИЯТНИ КАФОЛАТЛАЙДИ

Нодир МАҲМУДОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Ўзбекистон халқро ислом академияси билан Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда “Ипак йўли” туризм халқро университети ўртасида англашув меморандуми имзоланди. Томонлар бу ҳужжат соҳа ривожига янги босқич бошланишига асос бўлади, дея ишонч билдирдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси, Ўзбекистон халқро ислом академияси ректори Рустам Қосимов, Бош вазир ўринбосари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Азиз Абдуҳакимов юртимизнинг туризм салоҳияти, бу соҳада амалга оширилаётган ислохот-

лар, хусусан, зиёрат туризмни янада ривожлантириш борасида ишлаб чиқилаётган “Йўл харитаси” ҳамда мазкур тармоқ учун юқори малакали кадрларга эҳтиёж ва талаб ортиб бораётганини таъкидлади.

Дунё тамаддуни бешикларидан бири бўлган она Ватанимиз қадим тарих ва улуг алломалар юрти ҳисобланади. Шу боис, юртимиз тарихи, унинг беназир табиати, буюқ алломалари маънавий меросидан баҳраманд бўлиш истагида хорижий мамлакатлардан ташриф буораётганлар сони ортмоқда. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг жаҳон айвонидаги имижини ва мавқеини ҳам белгилаб берадиган омиллардан.

Бевосита мулоқот тарзида ўтказилган тадбир давомида юртимиз тарихи, бой миллий маданий-маънавий ва буюқ аждодларимиз меросини чуқур тадқиқ этиш, соҳада фаолият юритаётган сайёҳлик фирмалари мутахассислари билим ва малакасини янги илмий тадқиқотлар асосида ошириш масаласи туризм, хусусан, бугун долзарб аҳами-

ят касб этаётган зиёрат туризмни ривожига муҳим экани таъкидланди.

Имзоланган англашув меморандуми зиёрат туризмни илмий ёндашув асосида ривожлантиришда дастлабки ва муҳим босқичдир. Утмишнинг долғали даврлари тарихнинг кўплаб зарварақлари ўчишига, халқ хотирасидан кўтарилиши ва охир-оқибат унутилишига ҳам сабаб бўлган. Шу маънода имзоланган ушбу англашув меморандуми юртимизда зиёрат туризмни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши аниқ.

Туризм соҳасини ривожлантириш борасида ўзаро фикр алмашиш орқали мавжуд муаммоларга ҳамжиҳатликда, илмий ёндашув асосида ечим ахтариш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида фикр юритилган анжуманда туристик фаолият билан шугулланувчи ташкилотлар вакиллари ҳамда маҳалли ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари саволларига атроф-лича жавоб берилди.

Элга хизмат — олий ҳиммат

ХАЛҚ ВА ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ ИШОНЧЛИ КЎПРИК



Бошланиши 1-бетда

Бугун вилоят Халқ қабулхонаси остонасига умид билан қадам босган ҳар бир фуқаронинг аризига қўлоқ солиш, унинг дардига дармон бўлиш, муаммосига ечим топиш учун барча қонуний ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда ҳар бир муносабатнинг белгиланган муддатларда кўриб чиқиши, унинг натижалари ҳақида фуқарога ўз вақтида жавоб беришига алоҳида эътибор қаратилляпти.

Конституцияимизнинг 35-моддасида "Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан муносабат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиши шарт", дея белгилаб қўйилган. Биз ана шу талабдан келиб чиқиб, "Халқ қабулхонаси ашиқлари ҳамма учун очик!" тамойилига асосланган ҳолда муносабат қилган ҳар бир фуқаронинг муаммосини қонун доирасида, белгиланган муддатларда кўриб чиқишга ўзимизни масъул деб биламиз.

Халқ қабулхоналари зиммасига давлат ва фуқаролар манфаатлари муштараклигини таъминлаш, бу йўлда энг асосий ишончли кўприк вазифасини ўташ масъулияти юкланмоқда. Бу тизим мутасаддилари хонада ўтириб, аризаларни қабул қиладиган дамлар ўтиб кетди, жойларга чиқиб, сайёр қабулларни ташкил этиш, секторлар, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар вакиллари билан уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа соҳа муассасаларидаги ҳолатни ўрганиш, уларда мавжуд камчиликларни аниқлаш, зудлик билан бартараф қилиш чораларини қидириши керак. Жойлардаги жисмоний ва юридик шахсларнинг дардини тинглаши, ўзини ўзи бошқариш идоралари ҳудудларидаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни баҳолашда иштирок этиши, камбағалликни камайтириш, ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштириш, бу йўлда жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилиши лозим.

Жорий йилнинг декабрь ойига қадар Жиззахдаги Халқ қабулхоналарининг вилоят, шаҳар ва туманлардаги идораларига жами 14 848 та ёзма ва оғзаки муносабатлар келиб тушди. Уларнинг 10 784 таси ёки 81 фоизи қисқа муддат ичида ижобий ечим топди. Қўшимча ўрганиш ва ижро учун вақт талаб қилинадиганлари назоратга олинди.

ратга олинди.

Шу муддат ичида жойларда 1053 марта сайёр қабул, оммавий учрашув ўтказилди. "Сектор раҳбарлари аҳоли ҳузурда", "Ҳоким ва ёшлар", "Муаммо ва ечим" мавзуларида ташкил этилган ушбу тадбирларда аҳолини ташвишга солиб келаётган масалаларга жавоблар изланди. Вилоят ҳокимлиги, сектор раҳбарлари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси ўртасида ўрнатилган мустаҳкам алоқалар натижасида турмуш шароити оғир бўлган хотин-қизларнинг 700 нафари уй-жойли бўлди. Ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларнинг 50 нафар бекасига уй-жой учун бошланғич тўловлар етказиб берилди.

Шу ўринда фаолиятимизга оид айрим мисолларни эътиборингизга ҳавола қилмоқчиман. Жорий йилнинг бошида Янги-обод туманида вилоят ҳокими томонидан ўтказилган ёшлар билан учрашувда шу ҳудудда яшовчи фуқаро Салим Рустамов тоқзор яратиш нияти борлигини, бунинг учун маблағ зарурлигини баён қилди. Теъдда йигитнинг орузи амалга ошди. Халқ қабулхонаси тавсиси билан унга 1 миллиард сўмликдан ортиқ имтиёзли кредит ажратилди. Салим ҳам ўз ваъдасини бажарди. 100 гектар майдонда янги тоқзор

тябрь куни Зомин тумани Халқ қабулхонаси томонидан марказдан анча узоқда бўлган Бешкүби қишлоғи ҳудудидаги 14-умумтаълим мактабидаги ҳолат ўрганилди. Таълим масканидаги 9 та иссиқлик қозонидан 3 таси қишки мавсумга қисман тайёрлиги, 6 таси эса мутлақо яроқсизлиги, бунинг устига кўмир захираси яратилмагани аниқланди. Туман халқ таълими бўлими ва бошқа масъул идораларга бу камчиликларни бартараф қилиш бўйича топшириқлар берилди. Натижада мактабдаги иситиш қозонларининг 6 таси янгиланди, 100 тонна кўмир захираси яратилишига эришилди.

Шу билан бир қаторда, одамларни камбағалликдан чиқариш, ёшлар бандлигини таъминлаш, аҳоли ўзини ўзи банд қилиши учун шарт-шароит яратиш йўллари қидирилмоқда. Жумладан, вилоятдаги тиждорат банклари томонидан "Ҳар бир оила — тадбиркор", "Ёшлар — келажакимиз" дастури доирасида шу бугунгача жами 3 124 нафар фуқарога 95 миллиард 318 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Натижада уларнинг кичик бизнес билан шуғулланиши, бошқача айтганда бандлиги таъминланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"ни шакллантириш, уларга аҳолининг чинакам ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами вакилларини киритиш борасидаги топшириқлар ижросини таъминлаш борасида ҳам манфаатдор томонлар вакиллари билан уйма-уй юришлар ташкил этилиб, зарурий хатлов ишлари якунига етказилди.

Ушбу факт ва рақамлар, келтирилган мисоллар Президентнинг Жиззах вилоятидаги Халқ қабулхонаси, ушбу тузилма билан ҳамкорлик қилаётган давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан йил давомида бажарилган ишларнинг маълум бир қисми, ҳолак. Мақсадимиз бу кўрсаткич ва натижалар билан мақтаниш эмас, аксинча, халқимиз бизга билдираётган ишончини оқлаш йўлида охирига етказишимиз кўп бўлган ишлар бисёрлигини тан олишдир.



барпо этди, ўзи каби 80 нафар ёшни доимий, 70 нафарини эса мавсумий иш билан таъминлади.

Октябр ойида Арнасой туманининг Дўстлик кўчаси аҳолиси электр таъминоти ёмонлигиндан шикоят қилиб, Халқ қабулхонасига ариза йўллади. Шикоят ўрганилганда, бу шикоятнинг ҳақиқи исботланди. Масалани ҳал қилиш тегишли идорага йўналтирилиб, ижроси назоратга олинди. Қисқа муддат ичида кўча бошига битта янги трансформатор, 150 метр узунликдаги очик 3 фазали ҳаво электр тармоғи ҳамда 14 та таянч бетон устун ўрнатилди.

Яна бир мисол. Жорий йилнинг 23 ок-

Давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганнинг 28 йиллиги муносабати билан йўлланган табригда нурунийлар, хотин-қизлар, ёшларнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, хонадон ва маҳаллаларда ягона ва аҳил оила бўлиб яшаётган кўп миллатли юртимизда тинчлик ва ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлаш устувор вазифа эканини таъкидлади. Биз бу борада Халқ қабулхоналари гарданига тушадиган юкнинг залворини англаб турибмиз. Шу боис, ана шу масъулиятли ва шарафли юмушни виждонан амалга ошириш йўлида бор куч, ғайратимизни сарфлаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Ташаббус

Гулчирай ИСОҚОВА "Янги Ўзбекистон" мухбири

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан амалга оширилаётган "Сирдарё вилоятидаги аҳолининг заиф қатлами қўллаб-қувватлаш дастури" лойиҳаси доирасида, вилоятнинг Оқолтин, Сардоба ва Мирзаобод туманларига пресс-тур уюштирилди.

KOICA Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, таълим, ахборот технологиялари, коммунал хизматлар, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, энергетика, транспорт ва бошқа йўналишларда қатор лойиҳаларни амалга оширишда доимий ҳамкорлик қилиб келмоқда. Аҳолини касб-хўнарга ўқитиш дастури улاردан бири.

Мазкур ишлар доирасида вилоятнинг Оқолтин, Сардоба, Мирзаобод туманларидаги 3 та маҳаллада аҳолини касб-хўнарга ўқитиш масканлари очилди. Шу му-

ҲУНАРИ БОРГА БАХТ КУЛИБ БОҚАР

носабат билан ташкил этилган тадбирда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Раҳмат Мамадов, KOICAнинг Ўзбекистондаги офиси директори Пак Сун Жин ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Оқолтин туманининг "Шодлик" маҳалласида иш бошлаган касб-хўнарга ўқитиш маскани бир вақтнинг ўзида 200 га яқин йигит-қизга пазандалик, компьютер саводхонлиги бўйича кўрсатиш, тадбиркорлик йўналишлари бўйича махсус ўқув курсларини очиб ҳам кўзда тутилган.

— Оилада, маҳаллада бўладиган муаммога бефарқ бўлмай, ҳар бир фуқарога ислохотларни бирма-бир тушунтиришимиз, уларни рози қилишимиз керак, — дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Р. Мамадов. — Жорий йил май ойида Сардоба сув омборида рўй берган техноген офат Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларидаги аҳоли пунктлари, ижтимоий соҳа объектилари, қишлоқ ҳўжалиги экинларига жиддий зарар етказди. Утган давр мобайнида фавуқлодда ҳодиса оқибатларини зудлик билан бартараф этиш, жабрланган фуқароларга ёрдам кўрсатиш бўйича кенг

қўламли ишлар қилинди. "Сирдарё вилоятидаги аҳолининг заиф қатлами қўллаб-қувватлаш дастури" лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар замирида ҳам мана шу эзгу ният мужассам.

Касб-хўнарга ўқитиш масканларида таълим олишни бошлаган йигит-қизлар 2 ой мобайнида 3 йўналиш бўйича билим олади ва муайян касб эълуси бўлиб чиқади. Мақсад ишсиз аёллар ва ёшларни касбга ўргатиш, мустақил даромад топишга ундашдир.

— Жанубий Кореяда ҳам аёллар ва оила муаммолари билан шуғулланганидан алоҳида вазирлик бор. Бу вазирлик бевосита аёлларнинг турмуш даражаси, аҳоли яшаш тарзини яхшилашга қаратилган ишларни амалга оширади. — дейди KOICAнинг Ўзбекистондаги офиси директори Пак Сун Жин. — Ўзбекистонда ҳам Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилгани мамлакатда таълим алоҳида эътибор қаратилаётгани намунасидир. Биз вазирлик билан янги лойиҳа устида 2 ойдан буён ишляямиз. Энг аввало, Сирдарё вилоятининг сув тошқинидан азият чеқкан 3 та туманини танлаб олдик. Ушбу лойиҳа кейинчалик Жиззах вилоятида ҳам амалга оширилади.

Сардоба туманининг "Бирлик" маҳалласида ташкил этилган касб-хўнарга ўқитиш масканида асосан "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ҳамда "Ёшлар дафтари"га киритилган фуқароларга хўнар ўргатилади. Бу ерда аёллар маблаҳат кенгаши ҳам ташкил этилган бўлиб, мақсад ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар муаммоларини эшитиш ва уларни ҳал қилишга кўмаклашидан иборат. Кенгашда тажрибали ҳодимлар, психолог ва педагоглардан иборат алоҳида ишчи гуруҳ тўзилган бўлиб, улар аёллар ва ёшларга ёрдам кўрсатиш билан шуғулланади. Ҳозир масканда 80 га яқин талабгор касб-хўнар ўрганмоқда.

Мирзаобод туманининг "Деҳқонобод" маҳалласида ҳам аҳолини касб-хўнарга ўқитиш маскани иш бошлади.

— Бизни касбга текин ўргатиш билан бирга оиллик стипендиялар ҳам жорий қилинган, — дейди чеварлик йўналиши ўқувчиси Сарвиноз Санжарова. — Шароитлари жуда яхши. Икки ой давомида чеварликни яхши ўрганиб, туманимиздаги тикувчилик корхонасига ишга кирмоқчиман.


— Бу маскан ишсиз аёллар ва ёшларга зўр имконият бўлди, — дейди пазандалик йўналиши ўқитувчиси Гулчехра Қайумова.

— Жуда кўп сўровлар келиб тушмоқда. Ҳозир гуруҳимизда 14 нафар қиз бор. Касб ўрганаётган фуқароларга Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан стипендия тўланади. Шунингдек, 2 ойлик курсни битиргандан сўнг сертификат берилди. Бу эса уларнинг келгусида ишга жойлашиши учун асос бўлади. Битирувчилар тикув шехларига, ишлаб чиқариш корхоналарига, мактабларга техник ҳодим сифатида жалб қилинади. Жойларда ташкил этилаётган бу каби масканларга туман

маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиқлари раҳбар этиб тайинланди ҳамда мақсадли ва самарали фаолият юритишини таъминлади.

Лойиҳа доирасида йил якунига қадар Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида яшовчи 10 мингта эҳтиёжманд оилга ижтимоий аҳамиятга эга воситалар, 45 та ҳасса ва кўпиктаёқ, 92 та катталар, 7 та болалар ногиронлик аравачаси, 45 та эшитиш мосламаси тарқатиш кўзда тутилган.

Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!



АЖДОДЛАР МЕРОСИ — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази жамоаси ҳам кўрсатилаётган юксак эътибор ва ишончга жавобан ўз илмий фаолият юритмоқда.

Ўтган қисқа вақтда марказ биноси қурилишида ҳам, музей ва кутубхона ташкил қилишда ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди.

Бошланиши 1-бетда

Музейимиз учун қабул қилинган экспонатлар мамлакатимиз ҳудудида испом дини ҳали тарқалмасдан аввал ҳам буюк цивилизациялар мавжуд бўлганини тасдиқламоқда. Чиндан ҳам Сармишсой қоятош суратлари, Афросиёб ёдгорлиқлари, Кўй қирилган қалъа, Айритом фризлари, Муғ тоғидан топилган ёзма манбалар, Қушон цивилизацияси ва бошқа ёдгорлиқлар, шунингдек, ёзма манбалар Марказий Осиёда Биринчи Уйғониш (ёки маърифат) асри учун пойдевор юртимизга ислом дини келишидан анча олдин қўйилганини тасдиқлайди. Умумий сони мингдан ошган кўлёма ва тошбосма асар эса "жанговар атеизм" деб аталган ва арабий ёзувдаги ҳар қандай манбалар таққик остига олинган даврларда ҳам халқимиз бебаҳо ёзма ёдгорликларни сақлаб қолганидан далолат. Кутубхонамизга қабул қилинган янги манбалар орасида улуг шoir ва мутафаккир Абдурахмон Жомийнинг 1492 йилда ўз кўли билан кўчирган "Ал-Қофия"га шарҳ" асари, 1000 ҳижрий йилда ўта нафис ёзувда жамланган Қуръон кўлёмаси, Зайн ал-Дин Жўржонийнинг (1040-1136) тиббиётга бағишланган "Хоразмшоҳлар ҳазинаси", Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II — Ферузнинг ўзи ҳаётлигида кўчирилган девони ва исломшунослик, фалсафа, фикрга оид бошқа кўллаб асарлар бор. Айни пайтда бу асарлар мутахассислар томонидан жиддий ўрганиляпти. Шунингдек, таржимонларимиз Феруз газалларини ҳозирги ўзбек тилига ўғирмоқда.

Нуфузли халқаро испом илмий тадқиқот ташкилотларининг аждодаларимиз меросини ўрганиш соҳасидаги тажрибалари, эришган натижалари, кўлёма ва босма манбалари фондлари ҳаммиша эътиборимизда. Айтиш жоизки, ўз олдига қўйган юксак мақсадлари ва биносининг беқийёс меъморий ечими бўйича марказимиз ҳам нуфузли халқаро ташкилотларни ниҳоятда қизиқтирмоқда. Айниқса, исломнинг олтин даври олимлари илмий-маърифий меросини сақлаш, тартиб қилиш, ислом цивилизацияси тарихини ўрганиш, экспонатлар, энг замонавий мультимедиа имкониятлари воситасида табарруқ динимизнинг асл тинчлик, одамийлик, баргикенглик, илм-фан ва бунёдкорлик дини эканини жамиятимиз аъзолари, айниқса, ёшларга тушунтириш каби мақсадларимиз уларни ўзига жалб этмоқда. Утказилган учрашув ва тадбирлар давомида ҳаттолик, саҳнофлик, миниатюра, кўлёмаларни тиклаш каби касбларни тиклаётганимиз, шунингдек, ёшларни араб, форс, эски ўзбек, инглиз ва лотин тилларига ўргатиш жараёни. Халқаро ислом академияси билан ҳамкорликда юқори малакали исломшунослар олимлар тайёрлаш каби вазифаларимиз ушбу ташкилотлар вакиллари ниҳоятда қувонтираётганини қайта-қайта таъ-



кидлашмоқда. Германия университети хузуридаги илмий тадқиқот марказлари, Малайзиянинг Исломни англаш институти билан ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумларни имзоллади.

Марказ раҳбарияти ва илмий ходимлари томонидан белгиланган режа асосида ҳамкор ташкилот ва идоралар билан оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда, маҳаллий ва халқаро онлайн-анжуманларда чиқишлар ташкил этилмоқда.

Жорий йилнинг 3-5 март кунлари Самарқанд шаҳрида "Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридий таълимоти: ўтмиш ва бугун" мавзуда халқаро анжуман бўлиб ўтди. Апрель ойида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳамда Малайзия исломни англаш институти олимлари иштирокида видеоанжуман ташкил этилди. Унда динимизнинг асл инсонпарварлик, тинчлик ва баргикенглик моҳиятини ҳамият аъзоларига етказишнинг аҳамияти, исломни нотўғри талқин қилишнинг салбий оқибатлари, экстремистик фикрлар ва ғояларга қарши маърифат билан қурашишнинг аҳамияти, давлоларга илмий асосланган жавоб ва раддиялар бера оладиган юқори малакали исломшунослар олимларни тайёрлаш масалалари бўйича фикр алмашилди.

28-29 май кунлари "Бухоронинг Ислом цивилизациясига қўшган ҳиссаси ва ундаги ўрни" мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди. "Бухоро — 2020 йилда Ислом олами маданияти пойтахти" йилнинг дастлабки тадбири сифатида ташкил этилган мазкур анжуманда 20 га яқин хорижий мамлакат ва юртимиздан юзга яқин илмий тадқиқот маркази, академия, университет, институтлар профессор-олимлари, халқаро эътирофга эга мутахассислар иштирок этди.

Июнь ойида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташаббуси билан ҳамкор ташкилотлар иштирокида Бухородаги Етти пир авлиёлари илмий меросини ўрганиш бўйича "Маърифат ва ибрат тимсоллари" мавзусида онлайн анжуман бўлиб ўтди. Унда 50

дан ортиқ олим, соҳа ҳодимлари ва илмий тадқиқотчилар иштирок этди. Қуни кеча Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва IRCICA ташкилоти билан ҳамкорликда "Термизининг ислом цивилизацияси тарихидаги ўрни" мавзусида халқаро онлайн анжуман ўтказилди. Унда IRCICA бош директори Халит Эрен жаноблари иштирок этди ва маъруза қилди. Онлайн тадбирда юзга яқин иштирокчи қатнашди ва бевосита унинг фаолиятини кузатиб борди. Айниқса, Туркия, Ҳиндистон ва тожикистонлик олимларнинг маърузалари мазмунли бўлди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ислохотлар 750-1150 йиллардаги Биринчи Уйғониш даври, 1370-1507 йиллардаги Иккинчи Уйғонишдаги (Темуру ва темирлар даври) кейин Учинчи Уйғониш даврига қадам қўётганимиздан дарак берапти. Ишончли муқомли, бу қуруқ гап эмас, аксинча, ҳақиқат ва ҳаққониятдир.

Кейинги йилларда юртимизда иқтисодий, ички ва ташқи сиёсат, илм-фан, маънавият, аждодалар мероси, хотираси, диний маърифат, тарбия соҳаларидаги ислохотлар, яқин ва узоқ фурсатларга мўлжалланган режалар, халқни рози қилишга қаратилган, инсон манфаатлари, ҳуқуқларини тўлиқ таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар, пировардида жамият аъзоларида шаклланган эртанги кунга ишонч юртимизда буюк тарихий босқич бошланаётганини тасдиқламоқда. Ушбу муҳим тарихий босқичда илмий-маърифий муассаса сифатида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фаол иштирок этишга тайёргарлик кўрмоқда. Уйғониш даври барча соҳалардаги ривожланган жараёнларнинг фаол давом этишини таъминлашга қодир бўлган ўз соҳаси билимдони, айни пайтда юксак маънавият, маданият ва маърифат эгаларини тайёрлашни такозо қилади. Бу каби мутахассисларгина ўз юртининг фидойилари бўлиб етишади. Биз мутахассисларимизнинг бор салоҳиятларини ҳамда барча имкониятларини ана шу вазифаларни ҳал этишга қаратишни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.



Ташрифдан сўнг



ХОРАЗМДА ТАДБИРКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

янги имкониятлар эшикларини очмоқда

Бошланиши 1-бетда



Абдулла РЎЗМЕТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Давлатимиз раҳбарининг Хоразмга бу галги ташрифи чоғида ҳам тадбиркорликни ривожлантириш бўйича муҳим ташаббуслар илгари сурилгани бизни, биз қатори барча воҳаликлари ниҳоятда тўлқинлантириб юборди. Айниқса, келгуси йилда вилоятда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлашга 500 миллиард сўмлик кредит маблағларини ажратиш топириги ўз ишени бошлаш истагидаги минглаб фуқароларнинг эзгу мақсадларига ҳамоҳанг бўлди. Бу ҳақиқатан, ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш, ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган дадил қадамдир.

Давлатимиз раҳбарининг эҳтиёжманд аҳолини турар жой билан таъминлашга оид фармон ва қарорларига мувофиқ, Хоразм вилоя-

тида кам таъминланган оилаларга мўлжалланган турар жойлар қурилиши ҳам тегишли режа ва дастурлар асосида амалга оширилмоқда. 2020–2021 йиллар давомида вилоятда 300 квартиралар кўп қаватли уйлар қурилиши режалаштирилган бўлиб, жорий йилда 84 квартиралар 2 та кўп қаватли уй ўз эгаларига топширилди, ўнлаб оилаларга шодлик улашилди.

Ҳозирги кунда Урганч шаҳрининг Хонқа кўчасида 216 хонадондан иборат 4 та 9 қаватли уйнинг қурилиш ишлари давом этмоқда. Илгари ташландиқ бўлган бу жойда атиги тўрт ойда янги иморатлар қад ростлади. Бу ишлар якунига етгач, кейинги тўрт йилда Хоразм вилояти бўйича қурилган кўп қаватли уйлар 31 тага, улардаги хонадонлар сони 1 минг 617 тага етади. Бу вилоятда биргина шу соҳада амалга оширилган улкан ўзгаришларнинг амалдаги ифодаси-

дир. Бундан англаш мумкинки, келгусида аҳолининг уй-жойларга бўлган талаби тўлиқ қондирилади.

Давлатимиз раҳбари вилоятларга ташрифи чоғида ёшлар билан самимий суҳбатлашиб, уларнинг фикрларини диққат билан тинглаши яхши аъёнага айлиб бормоқда. Хоразмлик йигит-қизларнинг ҳам бир қанча тақлифларини қўллаб-қувватлаб, уларни амалга ошириш бўйича мутасаддиларга аниқ кўрсатмалар берилди. Шубҳасиз, бу юртимизда эртанги кун эгаларига бўлган юксак эътибор рамзидир.

Хоразм нафақат шижоатли, билимли ёшлар, балки кўҳна обидалар юрти ҳамдир. Ўз юртининг бетакор ва сўлим гўшаларига саёҳат қилиш, асрларга тенгдош бўлган тарихий обидаларини зиёрат қилиш, гўзал табиатнинг бебаҳо инъомларидан баҳраманд бўлиш инсон маънавиятини янада юксал-

тиришга хизмат қиладиган омиллардан саналади. Ташриф доирасида Президентимиз Хоразмнинг драйвер соҳаси ҳисобланган туризм имкониятларидан тўла фойдаланиш зарурлигини билдирди. Келгусида вилоятда меҳмонхона ўринларини кўпайтириш, салоҳиятли мамлакатлардан Урганчга доимий ва чартер рейслар ташкил этиш юзасидан тавсиялар берди.

Шу нуқтаи назардан, вилоятда ички туризмни ривожлантириш учун энг аввало, транспорт хизматларини яхшилаш, хусусан, Фарғона vodiysidan авиа ва темир йўл қатновини йўлга қўйиб, унинг дастлабки даврида 30 фоизлик чегирма қўллаш энг тўғри йўлдир. Келгусида бу тажрибани Термиз, Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари бўйича ҳам қўлланилиши, албатта, ўз самарасини беради.

Умуман олганда, мамлакатимиз раҳбарининг вилоятимизга ташрифи ҳудуднинг бекиёс имкониятларини юзага чиқариш, мавжуд муаммолар ечимини сари дадил қадам ташлашга хизмат қилди. Албатта, бунга жавобан хоразмликлар ҳам воҳани янада тараққий эттириш, унинг ёрқин келажакни таъминлаш йўлида азму шижоат ва фидойилик кўрсатади.

“**Ҳозирги кунда Урганч шаҳрининг Хонқа кўчасида 216 хонадондан иборат 4 та 9 қаватли уйнинг қурилиш ишлари давом этмоқда. Илгари ташландиқ бўлган бу жойда атиги тўрт ойда янги иморатлар қад ростлади. Бу ишлар якунига етгач, кейинги тўрт йилда Хоразм вилояти бўйича қурилган кўп қаватли уйлар 31 тага, улардаги хонадонлар сони 1 минг 617 тага етади.**



Ҳуқуқ

ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ — ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТИ



Дилдора БОЗОРОВА, Тошкент давлат юридик университети профессори вазифасини бажарувчи, юридик фанлар номзоди

Янги Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотлар жамиятда инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш билан бирга қонунийликни амалда рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, қонунийлик таъминланган, яъни қонунлар ва уларга мувофиқ чиқарилган ҳуқуқий ҳужжатларга барча давлат органлари, мансабдор ва бошқа шахслар оғишмай амал қилган жамиятда, албатта, тараққиёт бўлади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш қўришлари қонунийликнинг муҳим жиҳатидир. Бундай тарзда иш қўриш, аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганнинг 28 йиллиги байрами муносабати билан Ўзбекистон халқига табриғида “Қонун — устувор, жиноятга — жазо муқаррар” деган конституциявий тамойилни амалда таъминлаш учун ҳуқуқ-тартибот идораларининг бор куч ва имкониятлари сафарбар этилишини таъкидлаган эди.

Президентимиз томонидан белгилаб берилган ушбу устувор вазифа ижроси юзасидан мамлакатимизда қонунийликни таъминлаш борасида жадал амалий чора-тадбирлар қўрилмоқда. Жумладан, Адлия вазирлигига жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун жами 2 478 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси келиб тушгани қонун ижодкорлиги соҳасидаги ишлар кўламига мисол бўла олади.

Қонунийликни таъминлаш борасида мамлакатимиз судлари томонидан амалга оширилган ишлар ҳам эътиборга молик бўлиб, 2020 йилнинг биринчи ярми давомида республика бўйича жами 363 нафар шахс оқланган бўлса, 1 минг 455 киши суд залидан озод этилган.

Жорий йилда қонун устуворлигини таъмин-

лаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш бўйича прокуратура органлари томонидан 88 мингга яқин прокурор назорати ҳужжати қўлланилиб, 112 минг фуқаронинг ҳуқуқлари тикланган, 25 мингдан ортиқ ноқонуний ҳужжат прокурорларнинг протестлари асосида қонун талабларига мувофиқлаштирилган ҳамда тегишли идораларга 15 мингга яқин тақдимнома киритилган ва кўпол қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 1 минг 700 га яқин жиноят иши кўзга тилган.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси маълумотларига кўра, жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида давлат органлари ва ташкилотлари томонидан жами 304 126 та ҳуқуқбузарликнинг умумий профилактикаси бўйича чора-тадбирлар амалга оширилган бўлса, ҳуқуқбузарлик профилактикасига доир 3 803 та дастур ишлаб чиқилган ва қабул қилинган, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тақдимномалар киритилган.

Тахлиллар кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш давлат органлари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, юртимизда фаровонлик ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омилidir.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор вазифалардан бири бўлган қонунийликни таъминлаш нафақат давлат органларининг, балки юртимиздаги барча фуқароларнинг асосий вазифаларидан биридир. Мазкур вазифани амалга ошириш асосида адолат тамойилини рўёбга чиқариш муҳим аҳамиятга эга.

Янги ҳаёт шартлари

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида амалга оширишга оид давлат дастурида солиқ тизими мутасаддилари зиммасига қатор вазифалар белгиланган.

Улардан бири 2020 йилда солиқ тўловчилар томонидан ортиқча тўланган солиқ суммаси белгиланган муддатда қайтарилмаган ҳолда ушбу сумма учун солиқ тўловчиларга бюджет ҳисобидан Марказий банкнинг асосий ставкасига тенг миқдорда фоизлар тўлаш ҳамда ички бозорда сотилган маҳсулот бўйича қўшилган қиймат солиғининг бир қисmini қайтариш тартибини самарали йўлга қўйиш ҳисобланади.

ҚАЙТАРИЛГАН СОЛИҚЛАР ДАВЛАТНИНГ ИШБИЛАРМОНЛАРГА ЯНА БИР МАҚСАДЛИ КЎМАГИДИР

Соҳиба МУЛЛАЕВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



АСЛИДА ҚАНДАЙ ПУЛ ҚАЙТАРИЛИШИ КЕРАК?

Биз ҳар йили ер, мол-мулк солиқлари тўлаймиз. Баъзида йил охирига бориб тўланган пулларимиз ҳисоб-китоб қилинганда ортиқча ушлаб қолганини маълум бўлади. Агар солиқ даври охирида ҚҚС бўйича ҳисобланган солиқ суммаси бюджетга тўлаш учун ҳисобга олинган солиқ суммасидан ортиқ бўлса, бу ҳолатда ҚҚСнинг ўрнини қоплаш (қайтариш) билан боғлиқ вазият юзага келади. Ушбу маблағларни солиқ тўловчи банк ҳисоб рақамига қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Ундан олдин эса қандай сумма қайтарилишини билиши зарур.

Амалдаги солиқ қончилигига кўра, ортиқча тўланган солиқ тўлови, ҳисобга олинган суммани айланмага сарфланган пулдан олган қисми, 0 фоиз ставка қўллаш натижасида ҳосил бўлган маблағларни қайтариб олиш мумкин. Давлат солиқ идораларига ҚҚСни қоплаш ёки қайтариш бўйича солиқ тўловчи томонидан ариза келиб тушган, 2 хил муддатда — ариза берилган кундан бошлаб телаштирилган ва умумбелгиланган тартибда қўриб чиқилади.

Телаштирилган тартибда, яъни 7 кундан кечиктирмаган ҳолатда ийрик солиқ тўловчилар, дипломатик ваколатхоналар, банк кафолатига эга шахсларга, экспортчи корхоналарга, маҳсулот тақсмотига оид битим иштирокчиларига (ноль ставка) ва солиқ мониторинги қатнашчиларига қайтарилади. Қолган барча солиқ тўловчиларнинг аризаси 60 кундан кечиктирмаган ҳолда қўрилади.

Солиқ суммаларининг ўрнини қоплаш тартиби ва шартлари, камерал солиқ текширувини ўтказиш, шунингдек, хорижий давлатлар фуқаролари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олинган товарларни олиб чиқишда уларга солиқ суммасини қайтариш (Tax free) Давлат солиқ қўмитаси томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

“СОЛИҚ ИДОРАСИ — ТАДБИРКОРГА КЎМАКЧИ”

Жорий йилнинг 14 августида Вазирлар Маҳкамасининг “Қўшилган қиймат солиғи ҳамда чет эл юридик шахслари билан боғлиқ солиқ маъмуриятининг тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу меъёрий ҳужжат билан Қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган, унинг янги шартлари ва тартиби белгиланди. Ортимизда тадбиркор кўп. Аммо барчаси ҳам солиқ қончилигининг моҳиятини билавермайди. Бунда солиқ хизмати ходимларининг тушунтириш ишларини олиб бориши жуда муҳимдир. Шу боис, “Солиқ идораси — тадбиркорга кўмакчи” тамойили асосида хизмат кўрсатилиб, тушунтириш ишлари олиб борилаётганда. Бунинг амалдаги самарасини Нукус шаҳридаги “Nukus textile” корхонаси мисолида кўриш мумкин. 2018 йили фаолиятини қайта тикланган ушбу корхона пахта хом-ашёсидан ип-калава маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Тайёр ип-калавалар, асосан, Хитойга экспорт қилинади. Бу йил жамият томонидан 1197,5 минг АҚШ долларлик маҳсулот четга сотилган.

Амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ, бундай корхоналарга қўшилган қиймат солиғи бўйича ноъл ставкани қўллаш натижасида вужудга келган ҚҚС салбий фарқ суммаси узоғи билан 7 кун ичида қайтарилиши белгиланган, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси давлат солиқ бошқармаси бош инспектори Ажинияз Абатов. — “Nukus textile”

корхонаси томонидан жорий йил январь-сентябрь ойлари давомида ҚҚСга ноъл ставка қўлланилган ҳолда маҳсулотлар экспорти амалга оширилгани натижасида жамиятнинг салбий фарқ суммаси ўрнини қоплаши лозим бўлган сумма 370,6 миллион сўмни ташкил этди ва бу миқдор пул корхонанинг бошқарма-мига берган аризасига биноан қайтариб берилди.

Қорақалпоғистон Республикаси давлат солиқ бошқармасига жорий йил 14 августдан 30 октябргача умумий миқдори 111,3 миллиард сўм бўлган 227 та ариза келиб тушди. Шундан ҳозирга қадар 204 та ариза қўриб чиқилган, 23 таси эса ўрганиш жараёнида. Қўриб чиқилган аризалардан 75 таси қаноатлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазиначилигига боририлиб, солиқ тўловчиларнинг банк ҳисоб-варақаларига 67,6 миллиард сўм миқдоридидаги маблағлар қайта ҳисобланган.

Кегейли туманида жойлашган “Turan miya” корхонаси раҳбарлари ҳам солиқ хизматчиларидан мамнун. Асосий фаолият тури қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўлган ушбу корхонада 214 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади.

— ҚҚСга ноъл ставка қўлланилган ҳолда маҳсулотлар экспорти амалга оширилгани натижасида жамиятнинг салбий фарқ суммаси ўрнини қоплаш лозим бўлган 682,3 миллион сўм жамият ҳисоб варағига қайтарилди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи Ҳамит Айманов. — Жорий йил давомида жамият томонидан Хитойга экспорт шартномаларига асосан 1 миллион 186 минг АҚШ доллари қийматидаги қизилмия экспорт қилинган.

Беруний туманидаги ип-калава маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Беруний текстил инвест” маъсулияти чекланган жамиятида ҳозир 380 нафар ишчи-ходим фаолият юритмоқда. Корхона Хитойга 3,5 миллион АҚШ доллари қийматида экспортни амалга оширган. Юқорида эслатилган тартиб асосида бу МЧЖга 788 миллион сўм қайтарилди.

СОЛИҚ ТЎЛАШ РАД ЭТИЛАДИ, ҚАЧОНКИ...

ҚҚС суммаси ўрнини қоплаш масаласи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойида давлат солиқ бошқармаси томонидан, ийрик солиқ тўловчилар эса Ийрик солиқ тўловчилар бўйича худудлараро давлат солиқ инспекцияси томонидан қўриб чиқилади ва қарор қабул қилинади.

Қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга кўра, солиқ суммасини қоплаш олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда, харид қилинган ва реализация қилинган товарлар тўлиқ электрон тарзида амалга оширилмаганда, солиқни тўламаслик ёки тўлиқ тўламаслик фактлари аниқланганда, битимлар (операциялар) ҳақиқий солиқ тўловчи томонидан сўралган эмас деб топилганда рад этилиши мумкин.

Айтиш керакики, пандемия даврида ҚҚС суммасини қоплаш (қайтариш) масаласининг шаффоф ва тезкор тарзда ҳал этилиши алоҳида аҳамиятга эга. Сабаби, ҳар бир тадбиркор учун бу давлат томонидан берилган мақсадли ёрдам бўлиб, қайтарилган маблағларни эҳтиёжлари (айланма маблағларини ошириш, хомашё харид қилиш, ходимларга иш хақи тўлаш ва бошқалар) учун ишлатиш имконини беради. Шунингдек, ҚҚС занжиридаги узилишларнинг олди олинади.

Соғлом турмуш тарзи

“ИНСОН ЎЗ САЛОМАТЛИГИ УЧУН МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ҚИЛИБ ЯШАШИ КЕРАК”



Мутахассислар бугунги кунда инсон соғлом турмуш тарзига амал қилиши орқали 100-120 ёшга умр кўриши мумкин, деб ҳисоблашмоқда. Бунда, албатта, озиқ-овқат таъминоти, дам олиш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, яшаш ва ишлаш учун етарли шарт-шароит билан таъминланиши каби омиллар муҳим ўрин тутаяди. Инсоннинг саломатлиги унда нафақат касаллик ёки жисмоний нуқсонларнинг йўқлиги, балки жисмоний ва руҳий хотиржамлиги, саломатлигини яхшилаш ва муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар билан ҳам ўлчанади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази директори Барно ОДИЛОВА билан суҳбатимиз аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари, касалликларни эрта аниқлаш, соғлом турмуш тарзи тамойиллари хусусида бўлди.

— Инсон саломатлигини белгилувчи омиллар орасида тиббиёт аини пайтда қандай ўрин тутаяди?

— Кўплар ўз саломатлигини тиббий омил билан боғлайди. Шу сабабли, тиббиёт асосан касалликларни даволашга ихтисослашиб, саломатликнинг бошқа омиллари, хусусан, соғлом турмуш тарзига кам эътибор қарата бошлади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти саломатлиқни белгилувчи омилларни қуйидагича таснифлайди: инсон саломатлигининг 10-15 фоизи экология, 10-15 фоизи генетика, 10-12 фоизи тиббиёт тизими даражаси, қолган 55-60 фоизи эса турмуш тарзига боғлиқ. Бундан кўришиб турибдики, биз агар турмуш тарзини қанчалик тўғри юрита олсак — тўғри овқатлансак, жисмоний фаол, зарарли одатлардан холи, кун тартибимизни тўғри ташкил қила билсак, шунчалик соғлом бўламиз.

Генетик омил қанчалик кучли бўлса-да, агар инсон соғлом турмуш тарзига амал қилса, ота ёки онадан ўтган касаллик чекланиши мумкин. Масалан, ота-она агар қандли диабет ёки гипертония билан оғриган бўлса, фарзандлар ёшлигидан ортиқча вазндан холи бўлишга ҳаракат қилиши керак. Шунда уларда генетик касаллик кўзгалмаслиги ёки 30-40 да эмас, балки 70-80 ёшга тўлганида учраши мумкин.

— Алломалардан бири “Минг хил касаллик бор, аммо саломатлик биттадир” деган гапни айтган. Инсон саломатлиги унинг тиббий маданияти ва малакасига нечоғлиқ боғлиқ?

— Тиббий маданият дейилганда, аввало, инсоннинг бу борадаги тушунчалари, соғлом бўлишига қаратилган хатти-ҳаракати, турмушдаги одатлари тушунилади. Ҳар биримизнинг ўз саломатлигимизга масъулигимиз биринчи даражада омил саналади. Тиббий маданият инсон шифокорга тез-тез мурожаат қилиб туради. Шифокор тавсияларига тўлиқ амал қилиш, эмлашга қақирганда ҳеч қандай монеликсиз бориш, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, никоҳланувчи шахсларнинг тўйдан олдинги тиббий кўрикдан тўлиқ ўтиши ҳам тиббий маданият сирасига қиради. Ҳар қандай касалликни даволашда номедикаментоз, яъни турмуш тарзини ўзгартаришга қаратилган даволаш усули ҳам муҳим саналади. Турмуш тарзимиз — бу тиббий маданиятимизнинг қанчалик даражада эканлигини очик-ойдин кўрсатувчи ўзига хос кўзгу.

— Сиз раҳбарлик қилаётган марказ, аини пайтда, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда қандай чора-тадбирларни амалга оширишмоқда?

— Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш марказига тиббиёт олийгоҳи ва билим юртлари билан бир қаторда поликлиникаларда фаолият юритаётган диетолог ҳамширалар, кардиологлар, аҳолига тўғри овқатланиш бўйича маслаҳат бера оладиган мутахассисларни тайёрлаш ваколати берилган. Марказ ходимлари санитария-ёрдам муассасалари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Биринчи навбатда аҳоли кўп йиғиладиган жойлар — бозорлар, супермаркетлар,



маҳаллалар, корхоналарда аҳолининг саломатлик ҳолатини ўрганиш йўлга қўйилди. Урганишлар натижасига қараб маслаҳат бериш тизими жорий қилинди.

Бундан ташқари, саломатлик майдонлари, соғлом овқатланиш ярмаркалари орқали ҳам аҳолига маслаҳат бериляпти. Индивидуал ёндашув ҳамда маслаҳатлар тизимига ўтилди. Поликлиникага мурожаат қилган ёки касалхонага борган инсоннинг саломатлигидан келиб чиқиб, индивидуал маслаҳатлар бериш ва кейинчалик уларни лозим бўлса назоратга, консултация ва даволаш реабилитация тадбирларига жалб қилиш амалиёти жорий қилинди. Буни оммавий тарзда ўтказиш мақсадида ҳозирги кунда рес-

публикада 26 та туман, шаҳар танлаб олинди. 1 декабрдан тиббий бригадаларни шакллантириш ва аҳолини хатловдан ўтказиш жараёни бошланганини айтиб ўтиш лозим. Бунда тиббиёт ходимлари ҳар бир уйга кириб, унда яшовчиларнинг бўйи, вазни, бел айланаси, пульси, босими, сатурациясини ўлчайди, овқатланиш тартиби, жисмоний фаоллик даражаси, зарарли

бўлишлари, доимий индивидуал, реабилитация тадбирлари билан қамраб олиниши керак. Бунинг аввалги тизимдан фарқи шундаки, энди биз улар билан гуруҳларга бўлинган ҳолда, индивидуал иш олиб борамиз.

— Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, касалликларни эрта аниқлаш ва даволашнинг илғор тажрибасини жорий этиш, тиббиёт муассасалари шароитини яхшилашга доир қандай таклифларингиз бор?

— Марказимиз бугунги топшириқ ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда ўз фаолиятини ўзгартирмоқда. Бизнинг туман ва шаҳар тиббиёт бirlашмалари таркибида бўлинмаларимиз бор. Улар аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича тадбирлар ташкил этади, тиббиёт ходимларига услубий-амалий ёрдам кўрсатади, ҳисоботлар йиғида ва уларни юқори органларга тақдим этади. Янги йилдан бошлаб босқичма-босқич бўлимлар фаолияти тўлиқ ўзгаради, ҳар битта туман, шаҳар кўп тармоқли поликлиникаларида аҳолига тўғри овқатланиш ва жисмоний фаоллик бўйича маслаҳат берувчи махсус бўлимлар ташкил қилинади. Аҳоли жисмоний ҳолати ва саломатлигини ўрганиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида индивидуал маслаҳат бериш тизимига ўтямиз.

Ҳар биримиз ўз саломатлигимизга ўзимиз масъул эканлигимизни унутмаслигимиз лозим. Бунинг учун ўзимизни яхши кўришга ўрганишимиз зарур. Бу тўғри овқатланиш, яъни фаст-фуд таркибида ёғ, шакар миқдори кўп бўлган озиқ-овқат маҳсулотларидан чекланиш, зарарли одатларга берилмаслик, доимий жисмоний фаол бўлиш, албатта, кун тартибига риоя қилиш, меъёрида ухлаш ва дам олиш қоидаларига риоя қилишни талаб этади.

Жисмоний тарбия оилавий маданиятнинг ажралмас қисмига айланиши лозим. Ҳар кун эрталаб бадантарбия машқларини бажариш, кечки овқатдан сўнг оилавий тарзда кечки сайрга чиқишни оила удуми, одатига айлантириш ҳам сизга куч-қувват, саломатлик бағишлайди.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Рисолат МАДИЕВА суҳбатлашди.

— Суҳбатимизни соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини такомиллаштириш ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш чора-тадбирлари юзасидан Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган кўрсатмалар ва вазифалар мазмун-моҳияти билан бошласак.

— Танқидий руҳда ўтказилган йиғилишда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини яхшилаш, илғор хорижий тажриба асосида умумий амалиёт шифокорини оилавий шифокорга айлантириш, уларга ёрдам бериш учун терапия, педиатрия, акушерлик ва патронаж бўйича тиббиёт бригадалари ташкил этиш, оилалар кесимида “тиббий харита”ларни шакллантириш, аҳоли саломатлиги ҳолатини баҳолаш ва унинг электрон базасини яратиш хусусида кўрсатмалар берилди.

Шу ўринда қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар аҳолига энг яқин бўлган ва энг кўп мурожаат қилинадиган тиббиёт бўғини эканлигини эслатиб ўтиш ўринли бўларди. Шу боис улар фаолиятини ислоҳ қилиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бирига айланди. Видеоселектор йиғилишида аҳолини скрининг текширувидан ўтказиш, чекка ҳудудлардаги бирламчи бўғин тиббиёт тизими учун “қишлоқ шифокори” дастурини жорий қилиш, хусусан, аҳолини тўғри овқатланиш ва жисмоний тарбияга ўргатиш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, оқилона овқатланиш, жисмоний фаоллик, ўз вақтида ҳордиқ чиқариш, шахсий гигиена қоидаларига риоя этиш, зарарли одатлардан ўзини тийиш унумли меҳнат қилиш, инсон саломатлигини яхшилаш ва муҳофаза қилишнинг муҳим омилларидан саналади.



Тил — миллий ғуруримиз

Дунёдаги барча халқлар ҳам ўзларининг миллий расмий тилига эга эмас. ЮНЕСКО маълумотларига кўра, бугунги кунда сайёраимизда 6 мингта тил мавжуд бўлиб, уларнинг 90 фоизи йўқолиб кетиш арафасида.

Ҳар қандай халқ, элат тили доимий равишда ҳар томонлама қўллаб-қувватланганда унга бўлган эҳтиёж сақланиб қолади. Мутахассислар тил яшаб қолиши учун унда камида бир миллион киши сўзлашиши кераклигини айтишади. Бироқ дунёда жами 250 та тил шундай эҳтиёжга эга. Шу вазиятдан келиб чиқиб баҳолайдиган бўлсак, ҳозир дунёда 50 миллиондан ортиқ кишининг ўзбек тилида гаплашаётганлиги, қўллаб хорижий олий таълим муассасаларида ўзбек тили ўрганилаётгани жуда қувонарли, албатта.

Эгамназар АСТАНОВ,
“Узсанотқурилишматериаллари”
ушумаси раиси маслаҳатчиси

Эндиликда она тилимиз том маънода давлат тилига айланиб, халқимизни эркин ва озод, фаровон ҳаёт қуришдек буюк марраларга сафарбар этадиган беқиёс куч сифатида майдонга чиқди. Сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жаҳалларда фаол қўлланиб, халқаро минбарларда баралла янграмоқда. Хорижий мамлакатларда ҳам тилимизга эътибор ва уни ўрганишга қизиқиш кучаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкилотчилигида нафақат республикамизда, балки жаҳон миқёсида ўзбек тилининг ривожланиши бўйича жадал ва самарали сай-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Бу ўринда, аввало, қонунлар устуворлиги талаб этилади. Қонунлар эса қадимдан кишилик жамиятининг барча муносабатларини тартибга солиш учун қабул қилинган. Шу ўринда барча ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлар эътибор қаратиш

миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада, аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир.

Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаёти ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш доимо давлат эътиборидаги масала. Униб-ўсиб келаятган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий аъёна ва қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш, Ўзбекистондаги миллат ва элатларнинг тилларини сақлаш ва ривожлантириш, давлат тили сифатида ўзбек тилини ўрганиш учун шарт-шароитлар яратиш, ўзбек тили ва тил сиёсатини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналиш ва вазифаларини ҳамда истиқболдаги босқичларини белгилаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Мазкур тарихий ҳужжатга мувофиқ 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланганлиги ҳамда аниқ мақсад ва вазифалар белгилаб берилганлиги билан аҳамиятлидир.

Айниқса, давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига интеграциялашувини таъминлаш соҳасида 2025 йилга қадар давлат тилида соҳавий иш юритиш ҳужжатларининг ягона электрон намуналарини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш

учун 14 та онлайн дастур ишлаб чиқиш, 2030 йилгача эса ушбу кўрсаткични 25 тага етказиш, дастурий маҳсулотларнинг ўзбекча иловалари ва электрон лўғат дастурларини яратиш, хорижликлар учун ўзбек тилини ўргатувчи дастурлар яратиш белгиланганлиги яна бир муҳим қадим бўлди.

2021 йил 1 апрелдан бошлаб ўзбек тили ва адабиёти бўйича билимни баҳолашнинг миллий тест тизими асосида раҳбар кадрларнинг давлат тилида расмий иш юритиш даражаси аниқланадиган ҳамда масъул лавозимларга тайинланадиган шахслар учун давлат тилини билиш бўйича даража сертификатлари

жорий этилади. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети хузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказида ўзбек адабий тили меъёрилари ва давлат тилида иш юритиш бўйича қисқа мuddатли ўқув курслари мунтазам равишда ташкил қилинадиган бўлди.

Мазкур ҳужжатга кўра, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш йўналишида ўзбек тилини сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маъ-

навий-маърифий ва бошқа соҳаларда қўллаш доирасини кенгайтириш, ундан давлат тили сифатида тўлиқ ва тўғри фойдаланиш таъминлаш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилади.

Шу билан бирга, мамлакатимизда истиқомат қиладиган барча миллат ва элатлар тилларини ривожлантириш мақсадида кенг ва тенг имкониятлар ҳамда уларга давлат тилини ўрганиш учун қулай шарт-шароитлар яратилади.

Айниқса, Қорақалпоғистон Республикасида ўзбек ва қорақалпоқ тилларининг давлат тили сифатида муомаллада бўлишига тенг шарт-шароитлар яратилиши белгилаб қўйилганлиги икки халқ учун ҳам тенг аҳамиятлидир.

Қўзланган асосий мақсадлардан бири мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан, давлат бошқаруви, замонавий ва инновацион технологиялар, саноат, банк-молия тизими, ҳуқуқшунослик, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва бошқа соҳаларда давлат тилининг имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришилади. Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбар ходимларига давлат тилини талаб даражасида билиш ва унга хурмат билан муносабатда бўлиш мажбурияти юкланади. Барча давлат органлари ва ташкилотларида давлат тилида иш юритиш салоҳиятига эга бўлган малакали кадрлар фаолият кўрсатади.

Давлат тилини том маънода мамлакатимиз фуқароларини, миллатидан қатъий назар, бирлаштирувчи умумхалқ қадриятига айлантиришга, унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ҳамда халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини оширишга ҳар бир фуқаро дахлдордир.



Фан фидойилари

Жорий йил 19 октябрда Президентимизнинг “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган...

ИЖОД БУЛОҒИДАН БАҲРАМАНДЛИК БАХТИ

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ, филология фанлари доктори, профессор Озода ТОҶИБОЕВА, филология фанлари бўйича фалсафа доктори

1986 йили Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузуридаги ихтисослашган илмий кенгаш мажлисида “Улуғ Ватан уруши даврида ўзбек совет поэзиясида поэтик образлар” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ана шу жараёнда муаллифнинг “Навоий ва тасаввуф”, “Навоий ва ваҳдат ул-вуҷуд таълимоти”, “Алишер Навоий ва унинг салтанат ижодида ваҳдат ул-вуҷуд талқини” сингари монография ҳамда бир неча рисолалари оммалаштирилди.

Узлуксиз чекилган меҳнат ўз мевасини берди. А.Абдуқодиров 1998 йили Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти қошидаги ихтисослашган илмий кенгаш йиғилишида “Тасаввуф ва Алишер Навоий ижодиёти” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Илмий иш муҳокамаи жараёнида сўзга чиққан расмий оponentлар, норасмий тарзда сўзга чиққан соҳа доғирларини ишга солишнинг мумкинлиги қўйилган янги улкан ҳисса сифатида баҳолади ва бир овоздан маъқуллади.

Кенг қамровли олим бутун ижодий фаолияти давомида ўзбек-тожик адабий алоқалари, адабий ҳамкорлиқнинг муайян қирраларини ўрганиш, тарғиб-ташвиқ қилишга ҳам алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Бугина эмас, теран нигоҳ мунаққид форсий тилдаги шеърят дурдоналарини ўзбек ўқувчиларига етказиш борасида ҳам муттасил заҳмат чекиб келмоқда.



Абдусалом Абдуқодиров 1949 йили қардош Тожикистоннинг Деваштич туманидаги Навутак қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топган.

Олий даргоҳни тугатганидан сўнг, бир неча муддат мактабда ўзбек тили ва адабиётини дарс берди.

Еш муаллим фаолиятининг илк кунларидан қўйиш-ўқитиш, тарбиявий-маърифий юмушларни илмий ва услубий ишлар билан узвий боғлаб олиб боришга интилди.

Эш муаллим фаолиятининг илк кунларидан қўйиш-ўқитиш, тарбиявий-маърифий юмушларни илмий ва услубий ишлар билан узвий боғлаб олиб боришга интилди.

Анжуман

Х.АБУЛҒАЙЗОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида “Ўзбекистон халқаро медиа имижининг когнитив аспекти: назария ва амалиёт” мавзусида халқаро илмий-амалий онлайн конференция ўтказилди.

Мутахассислар анжуман давомида халқаро медиатизимлар, давлат имижига доир янги ёндашувлар, давлат бошқаруви идоралари ахборот хизматларининг халқаро ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари билан ишлаш маҳорати, халқаро медиа ва жамоатчилик билан алоқалар тизими учун кадрлар тайёрлаш каби масалаларни муҳокама қилди.

ХОЛИС ФИКР МАМЛАКАТ ИМИЖИНИ ШАКЛЛАНТИРАДИ

шақллантириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, юртимизга кириб келаётган инвестиция салмоғи ва сайёҳлар сони ўсишида, пировадидида иқтисодий кўрсаткичларимизнинг яхшиланishi ҳамда аҳоли фаровонлигида акс этади.

Мамлакатимизда сўнгги тўрт йилдан бери юриштирилган оқиқатли сиёсати, амалга оширилган ижобий ўзгаришлар, янги Ўзбекистоннинг шаклланиш жараёнини тўғридан-тўғри ёритиб беришни ҳам том маънода пиар десак бўлади.



муҳим. Бунини ўрганиш, тадқиқ этиш керак. Университетимизда бу бўйича шуғулланган алоҳида факультет мавжуд.

хоҳлаган киши пиар ҳақида кенг тушунча ва билимга эга бўлиши мумкин. Анжуманда маҳаллий ва халқаро экспертларнинг оммавий ахборот воситаларининг мамлакат имижини шакллантириш ва ривожлантиришдаги ўрни, халқаро медиамақомада Марказий Осиё мамлакатларининг имижини масаласи, глобаллашув шароитида мамлакат сайёҳлик имижини шакллантиришда телевиденининг аҳамияти каби мавзулардаги маърузалари тингланди.

Олтин мерос

Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



Юртимиз ўзининг қадимий осори-атиқалари, тарихий қадамжолари ва зиёратгоҳлари билан бутун дунё нигоҳини ўзига қаратиб келмоқда.

АХСИКЕНТ — БУЮК ТАРИХИМИЗ КЎЗГУСИ

Ахсикент эрамаздан аввалги III асрда шаклланиб бўлиб, қадимги Фарғона давлати пойтахти, Буюк ипак йўлининг асосий шаҳарларидан бири ҳисобланган.

Тарихий манбаларда, хусусан, “Бобурнома”да бу кентнинг алоҳида аҳамияти ҳақида кўп ёзилган. Қадимдан бу ерда ер ости сув иншооти бўлгани боис мудофеа учун қўлай саналган.

Давлатимиз раҳбари 2019 йилда Наманганга ташрифи чоғида ушбу ёдрорлик мажмуасида ҳам бўлиб, аҳамияти хусусида бундай деган эди: “Ахсикент — буюк тарихимиз кўзгуси.

Ассосийси, зарур инфратузилма, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари қурилиб, Ахсикентни туризм манзиллига айлантириш борасидаги ишлар жадаллик билан амалга оширилмоқда.

Президентимиз топшириғига мувофиқ, бугун Ахсикент тарихий ёдрорлигини асраб-авайлаш ва тадқиқ этиш, унинг ҳақоний тарихини яратиб бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Қадамжони тадқиқ этиш, унинг жозибадорлигини ва сайёҳлар оқимини ошириш мақсадида махсус концепция ишлаб чиқилган.

